

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ИШСИЗ ФУҚАРОЛАР, КАМ
ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР
АЪЗОЛАРИ ВА ТАШҚИ
МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИДАН
ҚАЙТИБ КЕЛГАН ШАХСЛАР
ТАДБИРКОРЛИГИНИ ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича услубий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 19 б.

Тузувчи: Р. Расулбекова

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда бу борада ажратиладиган субсидия ва белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш тартиби содда тилда баён этилган.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари.....	5
Ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар учун қандай имтиёз ва субсидиялар белгиланган?.....	8
Ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратишда “маҳалла еттилиги”нинг ўрни	10
Ҳоким ёрдамчисининг асосий вазифалари.....	14
Ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратиш тартиби	15
Иловала	17

КИРИШ

Сўнги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва инвестициялар жалб қилиш борасида қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маҳалаларда аҳоли яшаш шароитини яхшилаш ҳамда жамиятда маҳаллаларнинг ролини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани аҳамиятлидир.

Хусусан, мамлакатимизда эҳтиёжманд аҳолини ўзини ўзи даромадли меҳнат билан банд қилиш ва уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган, шунингдек, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган шахсларга бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун субсидиялар ажратиб келинмоқда.

Меҳнат миграцияси жараёнларини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларга қулай шарт-шароитларни яратиш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш, шу жумладан уларнинг бандлигини таъминлаш, касбий малакасини ошириш ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш борасида ҳам бир қатор имтиёзлар белгиланган.

Ушбу қўлланмада маҳаллаларда ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган субсидия ва имтиёزلардан фойдаланиш тартиби содда тилда очиб берилган.

Қўлланма аҳоли ва маҳалладаги масъул ходимлар учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

ИШСИЗ ФУҚАРОЛАР, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР АЪЗОЛАРИ ВА ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИДАН ҚАЙТИБ КЕЛГАН ШАХСЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида” қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 апрелдаги “Меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш ҳамда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ–59-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида” ПФ–29-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар
Ма­ҳкамасининг 2022 йил 11 майда­ги “Ўзбекистон
Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш ва­зирли­ги ҳузурида­ги Ма­ҳалла­бай
иш­лаш ва тадбиркорликни ривож­лан­тириш
агентли­гининг Аҳоли­ни тадбир­кор­лик­ка жалб қилиш
жам­ғар­ма­си ма­блағ­ла­ри ҳисобидан суб­си­дия­лар
аж­ра­тиш тар­ти­би тўғ­ри­си­да­ги низом­ни тас­диқ­лаш
ҳақи­да” 252-сон қарори

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

ишсиз – “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ўн олти ёшдан то пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи бериладиган машғулотга (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишга кўмаклашиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли шахслар (таълим муассасаларида таълим олаётганлар бундан мустасно);

кам таъминланган ёки камбағал оилалар аъзоси – “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган, шунингдек, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган шахслар;

миграциядан қайтиб келган шахс – хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириб, қайтиб келган шахс;

ҳоким ёрдамчиси – ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси лавозимига тайинланган шахс;

Агентликнинг ҳудудий бошқармаси – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари;

Марказ – туман (шаҳар) ҳокимлиги таркибидаги юридик шахс мақомига эга бўлмаган Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази;

субсидия – бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган молиявий кўмак;

Жамғарма – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси;

“Онлайн маҳалла” электрон платформаси – ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш учун давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базалари билан интеграция қилинган “Онлайн маҳалла” электрон интеграциялашган ахборот тизими.

ИШСИЗ ФУҚАРОЛАР, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР АЪЗОЛАРИ ВА ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИДАН ҚАЙТИБ КЕЛГАН ШАХСЛАР УЧУН ҚАНДАЙ ИМТИЁЗ ВА СУБСИДИЯЛАР БЕЛГИЛАНГАН?

*“Мақсадимиз халқнинг даромадини ошириш,
бой қилиш”*

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. Мирзиёев*

**Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва
тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини
тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан
субсидиялар қуйидаги мақсадлар учун ажратилади:**



ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун — **базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача;**

Бунда: қишлоқ хўжалиги кооперативлари балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик, тикувчилик, хунармандчилик ва бошқа илғор соҳаларда ташкил этилади;

қишлоқ хўжалиги кооперативларига ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар ҳамда кооператив фаолияти йўналиши бўйича тажрибага эга етакчи тадбиркорлар бирлаштирилади.

➤ тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун — **7 миллион сўмгача, хотин-қизларга 10 миллион сўмгача;**

➤ тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун — **базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача;**

Бунда уч ой давомида тўлаб бериладиган субсидия уч ойга тенг тақсимланган ҳолда ҳар бир ой учун тўлаб берилади.

➤ аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳлаётган ишсиз шахсларга — якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун — **сарфланадиган харажатларни тўлашда бир марталик субсидиялар ажратилади** (Жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби **1-иловада** келтирилган).

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 252-сон қарори

Меҳнат миграциясидан қайтган шахслар учун алоҳида имтиёзлар:



2024 йил 1 июндан бошлаб Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнат миграциясидан қайтган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга (*бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно*) ҳар бир ишга олинган бундай **ходим учун 12 ой давомида ойига 500 минг сўмдан субсидия** тўланади;

Бунда субсидия 2024 йил 1 июндан 2026 йил 1 январга қадар ишга қабул қилинган шахсларга нисбатан тўланади.



Меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларини **бепул тиббий кўриқдан ўтказиш;**

2024 йил 1 июндан бошлаб меҳнат миграциясидан қайтиб келган, ижтимоий аҳамиятли касалликка чалинган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатига мувофиқ бепул тиббий ёрдам кўрсатиш амалиётини йўлга қўйиш.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 апрелдаги ПФ-59-сон “Меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш ҳамда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларни кўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” тасдиқлаш ҳақида” Фармони

Ишсиз, кам таъминланган оиланинг аъзоси ёки ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар (*кейинги ўринларда – ишсиз шахс*) қишлоқ хўжалиги кооперативи ташкил этиш ёки қишлоқ хўжалиги

кооперативига ихтиёрий аъзо бўлиш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг **доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига** ёки **“Онлайн маҳалла” электрон платформаси** орқали мурожаат қилиши мумкин.



ИШСИЗ ФУҚАРОЛАР, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР АЪЗОЛАРИ ВА ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИДАН ҚАЙТИБ КЕЛГАН ШАХСЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ Қўллаб-қувватлаш учун СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИШДА “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”НИНГ ЎРНИ

МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ



МАҲАЛЛА РАИСИ



СОЛИҚ
ИНСПЕКТОРИ



ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ



ИЖТИМОИЙ
ХОДИМ



ХОТИН-КИЗЛАР
ФАОЛИ



ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРИ




Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш,
аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни
қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор
йўналишлари тўғрисида» 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-
сон Фармони билан ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси
жорий этилган.




Маҳалла раиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва солиқ инспекторлари билан биргаликда **ҳоким ёрдамчиси** жамоатчилик асосида фаолият юритадиган **“маҳалла еттилиги”**нинг бири ҳисобланади.

Ҳоким ёрдамчиси – ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича мутахассис.


ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ




маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиш, жумладан аҳолининг бандлик даражасини, oilаларнинг даромад манбаларини, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш




маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришнинг ички имкониятлари, тадбиркорлик бўйича ихтисослашув ва меҳнат ресурсларини инobatга олган ҳолда, уни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишларни белгилаш, уларни ишга солиш орқали маҳалланинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш




маҳалладаги мавжуд бўш иш ўринларини ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишчиларга бўлган талабини аниқлаш орқали ишсизларни, биринчи навбатда, «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни бўш (вакант) иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш




маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг oilавий тадбиркорлигини ривожлантириш, жумладан уларнинг хунармандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятни йўлга қўйиши учун oilавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олишда кўмаклашиш




маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган етакчи тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратишни ташкил этиш, уларга тадбиркорлик билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун уларга бириктириш



аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, уруғчилик, кўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашиш



маҳалладаги иш билан банд бўлмаган аҳолининг тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишини йўлга қўйиш мақсадида уларга иссиқхона қуриш, томорқасини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш, қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзо бўлиш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш, бино ва иншоотнинг ижара тўлови ҳамда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқиши учун субсидиялар олишда қўмаклашиш



тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг (муҳандислик-коммуникация тизимларига уланиш ва улардан фойдаланиш, турли хил фаолиятни йўлга қўйиш учун рухсатномалар ва лицензиялар олиш, бўш бино ва ер майдонларини тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ажратиш ва бошқалар) тегишли ташкилотлар томонидан ҳал этилишини ташкил этиш

ИШСИЗ ФУҚАРОЛАР, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР АЪЗОЛАРИ ВА ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИДАН ҚАЙТИБ КЕЛГАН ШАХСЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИШ ТАРТИБИ

Ишсиз, кам таъминланган оилалар аъзолари, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун субсидия ажратиш тартиби



Ишсиз, кам таъминланган оиланинг аъзоси ёки ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар қишлоқ хўжалиги кооперативи ташкил этиш ёки қишлоқ хўжалиги кооперативига ихтиёрий аъзо бўлиш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг **доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига** ёки **“Онлайн маҳалла” электрон платформаси** орқали мурожаат қилиши мумкин.

Маълумот учун

Агарда таъсисчилар сони икки ва ундан ортиқ бўлса, уларнинг бирининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали мурожаат қилинади.

(2-иловага қаранг)



Буни билиш муҳим!

Аризада ишсиз шахснинг **фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (ID-**

карта рақами), ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оила аъзоси эканлиги, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келганлиги ва қишлоқ хўжалиги кооперативининг қайси фаолият тури билан шуғулланишини ҳамда сўралаётган субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдори кўрсатилади.

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун ишсиз шахс **шахсан жавобгар** ҳисобланади.



Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) **“Онлайн маҳалла” электрон платформаси** орқали қуйидаги маълумотларни ўрганади:

ишсиз шахснинг ҳақиқатда ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оила аъзоси эканлигини;

ишсиз шахснинг ҳақиқатда ташқи меҳнат миграциядан қайтиб келганлигини;

ишсиз шахснинг сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

б) қишлоқ хўжалиги кооперативининг **балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик, тикувчилик ва ҳунармандчилик** фаолияти турларининг бири билан шуғулланиш имконияти мавжудлигини жойига чиққан ҳолда ўрганади;

в) ўрганиш натижалари бўйича **далолатнома** расмийлаштиради ва далолатномада қуйидагилар акс эттирилиши керак:

ишсиз шахс ҳақиқатда ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оила аъзоси эканлиги;

ишсиз шахсни ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келганлиги;

ишсиз шахсни сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

ишсиз шахсни қишлоқ хўжалиги кооперативининг балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик, тикувчилик ва ҳунармандчилик фаолият турларининг бири билан шуғулланиш имконияти мавжудлиги;

г) **“Онлайн маҳалла” электрон платформаси** орқали қуйидаги маълумотларни Марказга юборади:

тавсия (тавсияда ушбу банднинг “в” кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);

субсидия олиш бўйича ишсиз шахсни аризаси;

ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Буни билиш муҳим!

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.



Агарда ишсиз шахс мазкур Низомнинг 17-банди “а” кичик бандига мос келмаса ёки жойига чиққан ҳолда ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунда рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда ишсиз шахсга хабарнома юборади.



Марказ икки иш кунда:

ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) **“Онлайн маҳалла” электрон платформаси** орқали Агентликнинг ҳудудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.

Бунда ҳоким ёрдамчисининг тавсияси ва расмийлаштирилган далолатномасида қайд этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги хулосада кўрсатилиши керак.

Буни билиш муҳим!

Марказнинг хулосасида қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

✓ Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдиғини топмаса, Марказ томонидан **субсидия ажратиш рад этилади** ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда Марказ икки иш кунида **“Онлайн маҳалла” электрон платформаси** орқали ҳоким ёрдамчисига ва ишсиз шахсга хабарнома юборади.

✓ **Агентликнинг** ҳудудий бошқармаси икки иш кунида: Марказ хулосасини ва у билан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра *(агарда хулоса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса)* **субсидия ажратиш тўғрисида** Агентлик ҳудудий бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда буйруқ нусхасини илова қилинган ҳолда **“Онлайн маҳалла” электрон платформаси** орқали ҳоким ёрдамчисига ва ишсиз шахсга хабарнома юборади.

✓ Ишсиз шахс белгиланган тартибда қишлоқ хўжалиги кооперативини ташкил этгандан ёки қишлоқ хўжалиги кооперативига ихтиёрий аъзо бўлгандан сўнг Агентликнинг ҳудудий бошқармасига қишлоқ хўжалиги кооперативининг банк реквизитларини тақдим этади.

✓ Агентликнинг ҳудудий бошқармаси икки иш кунида қишлоқ хўжалиги кооперативининг давлат рўйхатидан ўтганлигини ёки қишлоқ хўжалиги кооперативига ихтиёрий аъзо бўлганлигини **“Онлайн маҳалла” электрон платформа** орқали текширади ҳамда устав фондига ҳар бир аъзонинг улуши сифатида киритиш учун унинг банкдаги ҳисобварағига аризада кўрсатилган базавий ҳисоблаш миқдорида **(бирок, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача)** субсидия ажратади ҳамда бу ҳақда **“Онлайн маҳалла” электрон платформаси** орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда и хабарнома юборади.

Буни билиш муҳим!

Қишлоқ хўжалиги кооператив устав фондига улуш сифатида киритиш учун субсидия **битта оиланинг битта аъзосига фақат бир марта ажратилади.**

Ушбу субсидия туридан фойдаланиш ҳуқуқи **бир марта** берилади.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 252-сон қарори

ИЛОВАЛАР

1-илова

Жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро мuddати
1-босқич	Субсидия туридан фойдаланмоқчи бўлган юридик ёки жисмоний шахслар	Тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёзма ёки «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали муурожаат қилади.	Юридик ёки жисмоний шахслар хоҳишига кўра
2-босқич	Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси (кейинги ўринларда — ҳокими ёрдамчиси)	а) Давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базаси билан интеграциялашган «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали юридик ёки жисмоний шахсларнинг маълумотларини ўрганади; б) жойига чиққан ҳолда ўрганиш ўтказади; в) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради; г) тавсияни, муурожаатчининг аризаси ва ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномани «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали туман (шаҳар) ҳокимлиги таркибидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказига юборади.	Уч иш кунида

3-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимлиги таркибидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази	<p>а) ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;</p> <p>б) ўрганиш натижасига кўра (агарда ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.</p>	Икки иш кунida
4-босқич	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармаси	<p>а) Туман (шаҳар) ҳокимлиги таркибидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази хулосасини ва у билан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;</p> <p>б) ўрганиш натижасига кўра (агарда хулоса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) субсидия ажратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали туман (шаҳар) ҳокимлиги таркибидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказига, ҳоким ёрдамчиси ҳамда юридик ёки жисмоний шахсларга ёзма хабарнома юборади.</p>	Икки иш кунida

